

**Хоразм вилояти педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти**

**«Жисмоний тарбия ва амалий фанлар таълими»
кафедраси**

**Гилямдўзлик санъати тарихини ўрганиш
(методик қўлланма)**



Урганч – 2014

**Ушбу методик қўлланма 5-6 синфлар меҳнат таълими
фанидан Халқ хунармандчилиқ бўлимини ўтишда ўқитувчи
учун методик ёрдам сифатида фойдаланиш учун тавсия
қилинади.**

**Муаллиф: С.Қазақова – ХВПКҚТМОИ «Жисмоний
тарбия ва амалий фанлар таълими» кафедраси
катта ўқитувчиси**

**Такризчилар: Ш.Кенжаев – ХВПКҚТМОИ «Жисмоний
тарбия ва амалий фанлар таълими» кафедраси ўқитувчиси**

**З.Палванова – Урганч шаҳар 19-сон мактаби
меҳнат таълими фани ўқитувчиси**

**Ушбу методик қўлланма «Жисмоний тарбия ва амалий
фанлар таълими» кафедрасининг 2014 йил 30 майдаги
йиғилишида (№5-сонли баённома) кўриб чиқилди ва институт
Илмий кенгашининг
2014 йил 30 июндаги йиғилишида чоп этишга тавсия
қилинди (2-сон баённома)**

Гидам тўқиш санъати

Гидам тўқиш санъати халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган тури бўлиб, кўп асрлик миллий анъана ва узок тарихга эга. Гидам тўқиш бадий тўқиш ҳунарига киради. У қадимдан аёллар орасида кенг тарқалган ҳунар сифатида машҳурдир. Гидам тўқиш санъати, айниқса, чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи халқлар орасида тарқалган. Гидам қадим замондан бери хона ичини безатиш, иссиқ сақлаш, товушни камайтириш учун хизмат қилади. Гидам асосан полга ёки бўйра устига тўшалади, хонани безатиш учун деворга осилади ва ўтов ичига ўралади. Бу санъат жуда қадим замонлардан бери ривожланганлигини ёзма тарихий манбалар ва археологик топилмалар исботлаб берди. Археологик топилмалар натижасида Хоразмда милоддан аввалги 1-минг йилликка мансуб гидамлар топилганлиги тасдиқланди. Қадимда Уссири, Бобил, Мидияда, кейинроқ эса Эрон, Ҳиндистон, Туркияда тўқилган рангли гидамлар машҳур бўлган VII аср қўлёзмалари гидам тўқиш санъати ўша даврларда Ўрта Осиёда ҳам ривожланганлигини тасдиқлади. V—VII асрларда Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлардан Ҳитойга ҳар хил гидамлар олиб келинган. Масалан, Қарши ва Нашебода тўқилган гидамлар Ҳитойга олиб бориб сотилган. Ўрта Осиё ва Афғонистон адабиётларида кўрсатилишича VII—XI асрларда Хоразм ҳамда Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги баъзи

шаҳарлардан кичик-кичик жойнамоz гиламчалар тўқилиб чет мамлакатларга сотилган.

XI—XII асрларда Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон территориясида гилам тўқиш санъати жуда ривожланган. XIV асрда эса Ўзбекистон территориясида гилам тўқиш санъати ривожланмай қолди, чунки монгол босқинчилари Ўрта Осиёни эгаллаб олган эди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Амир Темур қўлига ўтиши билан бу соҳа яна ривожланиб кетди. Ҳар хил хорижий мамлакатлардан олиб келинган усталар гилам тўқиш устахоналарида ишлаганлар.

XVIII—XIX аср бошларида айниқса, Бухоро ва Фарғона хонликларида гилам тўқиш санъати тез суръатлар билан ривожланди. Бунда гилам тайёрлаш ўзининг нақши, юқори сифатли тўқилиши, бўялиш техникаси билан ажралиб турди.

XX аср бошларида Кўқон, Самарқанд, Андижон, Бухоро Ўрта Осиёнинг гилам тўқиб сотиш маркази ҳисобланган. Лекин, XX аср бошларида бу ерларда гилам тўқиш санъатининг ривожланиши пасайиб кетди. Хива, Андижон, Қарши, Ургут шаҳарларида гилам тўқийдиган корхоналар очилди. Машинада тўқилган гиламлар ўзига хос томонлари билан фарқ қилади. Уларда кўпинча гиламлар сунъий толалардан тўқилади. Гиламларнинг арқоғи кўпинча зиғир ёки пахта толасидан тайёрланади. 30-йилларга келиб, Хива, Андижон, Қарши, Ургут мураккаб патли гиламлари машиналарда тўқиладиган бўлди. Пат боғлайдиган махсус дастгоҳли корхоналарда гиламлар

ишлаб чиқарила бошланди. Андижонда «Меҳнат-гули» артели қошида гилам тўқиш курси очилди. Артелга Фарғона водийсидаги Ойим қишлоғидан катта уста Меҳринисо Тешабоева таклиф этилди. Машҳур уста қўлида жуда кўп ёш мутахассислар етишиб чиқди. Республикада гиламдўзликни янада ривожлантириш учун Туркменистондан машҳур усталар таклиф этилди ва ичида кўплаб гиламдўз усталар тайёрлаб берилди.

Ўзбекистонда гилам тўқиш мактаби асосан икки — Самарқанд ва Андижон катта группаларга бўлинади. Андижон гиламлари ўзининг чидамлилиги, пишиқлиги, аниқ қизил-кўк колорити билан фарқ қилади. Фарғона, Қорақалпоқ гиламлари асосан икки хил, яъни қизил ва тўқ кўк рангда тўқилади. Самарқанд гиламдўзлик мактабига Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги гилам тўқувчилари киради. Бухоро гиламлари ўзининг ранг-баранглиги, катталиги, узун патлилиги ва чиройли нақшлари билан ажралиб туради. Самарқанд гиламлари қисқа патли, марказида турунж, четига алоҳида-алоҳида нақшлар ишланади. Қалқон деб номланган турунж нақши жуда кўп ишланади. Гиламлар ҳошиядор эстетик жиҳатдан чиройли ишланган бўлади. Нурота гиламлари эса ўзининг узун патлилиги, ўртача катталиқда, сийрақроқ тўқилиши билан ажралиб туради. Дастгоҳда қўлда тўқилган гиламлар ўзининг чидамлилиги, нафислиги, табиийлиги ва сифати жиҳатидан ажралиб туради. Бу гиламлар юз йиллаб хизмат қилиши мумкин. Қадимдан қўлда

тўқиб келинаётган гиламлар, Туркменистон, Грузия, Озарбайжон ва Арманистон республикаларида яхши ривожланган. Гиламнинг тўқима, тикма ва босма хиллари бор.

Тўқима гиламда—гиламнинг гули тўқилади. Ўзбекистонда патли ва патсиз (палос) гиламлар тўқилади.

Тикма гилам — тайёр буюмга гули тикиладиган гилам. Босма гилам — гули бўяб босиладиган гилам. Гиламлар тўқилган жойи ёки тўқиган уста номи билан юритилади. Туркман гиламлари ёвмут, текин, бешир гиламлар деб юритилади. Туркман гиламлари геометрик нақшли бўлади. Кавказ гиламларининг машхур ширвони, ахти, дарбанди турлари бўлиб, пушти, қизил, кўк, сариқ, сарғиш ва бошқа рангларда барг, гул, қуш тасвирлари ишланади. Эрон гиламлари ўзига хос бўлиб, гул, ўсимлик, қуш, ҳайвон тасвирланган доирасимон шакллар кўзга яққол ташланади. Хитой гиламлари дунёга мушхур бўлиб, патларининг нақши ҳар хил меъёردа қирқилиб, рельеф ҳосил қилинган, тасвир замини эса қисқароқ патли қилиб ишланади. Баланд патли гиламлар бўртма нақшда, ҳайвон, балиқ, қушлар тасвири ишланиб, ўрта қисмига гул ишланмай очик қолдирилади. Бу очик жойга сидирға ранглар (пушти, яшил, бинафша, сариқ, кўк) берилади. Турк гиламлари ўсимликсимон, геометрик ёки аралаш нақшлар билан ишланиб ўзига хос бой кўринишга эга. Француз гиламларида сюжетли нақшлар, манзаралар, гуллар ишланган бўлиб, кишини ўзига жалб этади.



Гиламчилик устахонасида Самарканд вилояти Ургут тумани

Хива, Андижон, Ургут, Қарши ва бошқа жойларда тўқима гиламлар тайёрланади. Улар ўзининг ўсимликсимон, геометрик нақши, бежиримлиги, табиийлиги ва сифати билан машҳурдир. Гиламдўзликнинг энг ривожланган жойи Туркманистон. Унинг гиламлари бутун дунёга машҳур.

Гиламлар ўтмишда ер бағирлаб ётиқ ҳолатда ўрнатилган пастак содда дастгоҳда тўқилар эди. Кейинчалик тўқув дастгоҳлари анча мукаммаллашди. Бу дастгоҳларнинг тўқувчи аёллар ёнма-ён ўтириб бирданига тўқийдиган кенг ғалтакли хиллари ясалди. Қўлда гилам тўқиш жуда қийин, масалан, яхши мутахассис 1 м² патли гилам тўқиш учун 20—25 кун сарф қилади. Шунинг учун ҳам қўлда тўқилган гиламлар қиммат туради. Гиламлар икки хил калта патли (3—7 мм) ва узун патли

(8—17 мм) қилиб тўқилади. Туркманлар гилам тўқишда туя тивити, қўй жуни, пахта толаси ва ипак ишлатади. Ўзбеклар эса туя тивити, қўй жуни ва пахта толаси ишлатади.

XIX асрнинг охиригача гилам тўқишда ўсимликлардан тайёрланадиган бўёқлар ишлатилган. Кейин эса анилин бўёқларидан фойдаланила бошланди. Пат гилам тўқиш анча мураккаб бўлиб, унда арқоқдан ташқари нах деган ип ҳам ишлатилади. Кейинчалик пат гиламлар махсус дастгоҳли корхоналарда тўқиладиган бўлди. Пат гиламлар нақш ёки гулни санама ироқига ўхшатиб рангли ипларни нусхасига қараб териш асосида тўқилади. Нақш яратишда бандларни ҳисоби аниқ бўлиши ҳамда бир қатор банд боғлаб чиқилгач арқоқ ўтказилиб тароқ билан бостирилади. Шундан сўнг патлар қайчи билан текисланиб чиқилади. Гилам тўқувчи аёл гиламнинг 1 дм² юзасида 600—1030 тача пат боғлаши лозим. Қўлда тўқилган гиламлар ўлчами бўйича уч турга бўлинади. Кичик (3 м² гача), ўртача, (3 м дан 6 м² гача) ва катта (6 м² ва ундан кўп) гиламлар.

Гиламдўзлик аёллар ҳунари сифатида машхур бўлиб, эркаклар бу ҳунар билан шуғулланмаганлар. Гилам тўқиш жуда мураккаб иш. Тажрибали гиламдўз уста гилам тўқишни ёшлик пайтларидан ўргана бошлаб, 16—17 йилда ҳақиқий уста бўлиб етишган. 7—9 ёшдаги қизлар чархда ип йигиришни ўрганиб, 11—14 ёшларида эса гилам тўқишда устага шогирд бўлганлар. Бу ёшда улар бўёқлаш ишларига қатнашмайдилар. 20—25 ёшда тўқишни яхши ўрганадилар, 30—35 ёшларда эса

тажрибали, ҳар хил гиламларни мустақил тўқий оладиган бўладилар.

Ўзбекистонда кўпинча юк ташиш учун хуржун гиламлар ҳам тўқишган.

Хуржун — юк ташиш учун мўлжалланган гиламга ўхшаб тўқилган кўшалок халта У жун, пахта ипидан тўқилади. Хуржунни от, эшак, хачир, туя устига баъзида одамлар елкасига ташлаб юради. Унга ҳар хил буюмлар, озиқ-овқатлар солинади. У Ўрта Осиё, Кавказ халқлари ўртасида кенг тарқалган. Туркман хуржунлари жуда чиройли ва сифатли тўқилиши билан ажралиб туради. Хуржунлар кўпинча геометрик нақшли қилиб тўқилади. Гилам ўрнида шолча ҳам ишлатилинади.

Шолча- қадимдан эчки, туя ва қўй жуни, пахта ва сунъий толадан тўқилади. У патсиз, тақир бўлади. Шолча полга, ерга тўшалади. Шолча - Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистонда кенг тарқалган. Украина, Молдавия, Руминия, Болгарияда ҳам бор бўлиб, ўзига хос тўқилади. Шолчанинг уч тури мавжуд. Гулли тўқиладиган, яъни тўқима шолчалар, гули бўяб босиладиган, учинчиси гули тикиладиган, яъни тикма шолчалар бўлади. Ҳозир айрим жойларда хусусан Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ва бошқа жойларда замонавий шолчалар қўлда тўқилмоқда. Ҳозир Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Қизилтепа районларида, Самарқанд вилоятининг Нурота, Ургут районларида, Хива, Шахрисабз ва бошқа жойларда шолча тўқиш фабрикалари ишлаб турибди.

Ўзбекистонда энг яхши шолча тўқийдиган шаҳарлардан бири Бухоро бўлиб, улар шолчасининг катталиги, оддий кенг нақшлари, сифати, чидамлилиги билан фарқ қилади. Шолча ишлаб чиқариш билан бирга қоп, сумка, парда, бош кийимлар, пайпоқ ва бошқалар ҳам тайёрланади. Гилам ўсимлик, яъни пахта, зиғир, толаларидан, қўй, эчки, туя жунидан тўқилади. Кейинги вақтларда эса сунъий толалардан ҳам тўқилмоқда. Гиламлар кўпинча геометрик нақшли бўлади. Гилам нақши махсус рассомларни эскизи ёрдамида солинади. Бадиий гидамлар тўқишда буюк кишилар, меҳнаткашлар, ёзувчиларнинг машҳур асарлари чизилган расми ва бошқалар ишланмоқда. Ўзбекистон гиламларига инқилобдан сўнг замонавий нақш элементлари масалан, ўроқ ва болға, пахта, пахта чаноғи ва бошқалар кириб келди .



Хоразм патли гилами

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек гиламдўзлиги ўзининг миллий анъаналарини сақлаган ҳолда янги тажрибалар билан бойитилди. Хива, Андижон, Самарқанд, Қаршининг патли, Шаҳрисабзнинг тақир гиламларига эҳтиёж катта. Ҳозир ҳар бир хонадонга кирар экансиз ўзбек ва туркман гиламларини албатта учратасиз. Ўзбекистоннинг тасвирий санъат, ўзбек халқ амалий санъати музейларига кирсангиз бизнинг гиламларимиз доимий экспозицияга айланиб қолганлигини кўрасиз.

Гилам-бадий тўқимачилик буюми, уй жихози. Гиламчилик маҳсулоти полга тўшаш, деворга осиш, хонани безаш, иситиш, товушни пасайтиришга хизмат қилади. Қўлда горизантал ёки вертикал дастгоҳларда жун, ипак, каноп, пахта ва бошқа иплардан тўқилади. Тўқилишига кўра гиламнинг патли ва патсиз (палос), безагига кўра нақшли ва патсиз (палос), безагига кўра нақшли ва мавзули турлари фарқли. Нақшли гилам мужассамоти ҳандасавий ёки ўсимликсимон безаклар, турли хил белги-рамзлардан иборат, айниқса, ислимий мужассамотлар ниҳоятда гўзал; мавзули мужассамотларда ов манзаралари, гуллаган боғлар акс этади. Яратилишига кўра, тўқима (гули тўқиладиган), тикма (гули тикиладиган), босма (гули бўяб босиладиган) турлари бор. Нақш мужассамоти (ҳандасавий, ислимий, гириҳ ва б). ва унда марказий майдон билан ҳошияси орасидаги нисбат, сифати (патли ёки патсизлиги, патининг узун-қисқалиги),

бўёғи, ранглар уйғунлиги, хомашё ҳажми гиламнинг бадиий қимматини белгилайди.

Қўлда ва корхоналарда машинада тўқиладиган Марказий Осиё, Молдова, Россия, Руминия ва бошқа гиламлари кенг тарқалган ижро усули, сифати ва мужассамотининг мураккаблиги билан қўлда тўқилган гиламлар бетакрордир.

Гиламчилик

Гилам тўқиш касби, бадиий хунармандчилик соҳаси.Қадимдан чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи қабилалар орасида кенг тарқалган.Ўсимлик (пахта, зиғир, жут)толаси, жун (қўй,эчки, туя жун) дангина тайёрланган.Гилам тўқиш учун қирқилган жунлар ювилиб тозаланади,темир тароқларда таралади, таралган жунлардан ип йигирилади. Иплар турли табиий бўёқлар билан бўялади. Шунинг учун гилам ранглари ўзгармайди ва ўзининг сифатини йўқотмайди.Ҳозирда гиламлар сунъий толалардан ҳам тўқилмоқда.Гилам ер бағирлаб ётиқ (горизонтал) ва тик (вертикал) ўрнатилган дастгоҳларда тўқилади. Гилам ривожланган жойларда тўқув дастгоҳлари анча мукаммаллаштирилган ва бир неча тўқувчи ёнма-ён ўтириб бирданига тўқийверадиган кенг ўқ (ғалтак)ли хиллари яратилган. Гиламдўз уста нақш мужассамотини ёдаки ёки нусха асосида тўқийди.Тўқилиш усулига кўра патли ва патсиз гилам турлари фарқланади.

Қўлда гилам тўқиш Ўрта Осиёда, айниқса Туркманистонда кенг ривожланган. Қўлда гилам тўқиш ниҳоятда сермашаққат иш, тўқувчидан қунт, дид ва маҳорат талаб қилади. Патли гиламларни тўқиш айниқса мураккаб. Қўлда тўқилган гилам пати, нақш мужассамоти асос ипига рангли иплардан тугиб бандлар ҳосил қилиб яратилади, тугун учи матонинг юза томонига чиқариб текис қирқилади, ҳар бир қатордан сўнг арқоқ ипи ўтказиб махсус темир тароқда уриб аввалгисига маҳкамланади. Гиламнинг пайдо бўлган вақтини аниқ айтиш қийин, чунки жун чидамсиз бўлиб, қадимий гиламлар сақланмаган. Энг қадимий гилам миллоддан аввал V-VI асрларга оид бўлиб, Тоғли Олтойдан топилган, абадий музлокда бўлгани учун яхши сақланган. Олимларнинг тахминига кўра, у Ахоманийлар даври форслари ёки Ўрта Осиё қабилалари орасида тайёрланган (ҳажми 1,8x2 м; нақш мужассамоти: хандасавий шакллар нилуфар гуллар билан безатилган, кенг хошияларида отлик чавандозлар, холдор буғулар, грифонлар тасвири бор).

Қадимий ва илк ўрта асрлар гиламга оид маълумотлар ёзма манбаларда сақланган. Салжуқийлар даврида гиламлар («кўня», топилган жой номидан) кўплаб тайёрланган ва Миср, Хиндистон Хитойга чиқарилган.

Ўрта асрларда Гилам уч йўналишда –кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилаларда ўтроқ (қишлоқ ёки шаҳар) аҳоли орасида сарой устахоналарида ривожланган.

Тадқиқотчилар Эрон, Закавказье, Ўрта Осиё гиламларини алоҳида кўрсатиб ўтганлар.

XVI-асрдан сарой (эрон) гиламлари яхши сақланган. Бу гиламлар («Турунж», «Шох Аббос», «Боғ» «Ов» ва б.) амалий санъатнинг нодир намуналаридир. Улар **минатюра** усталари – мусаввирларнинг чизгилари асосида тўқилган. Гилам Туркия Бобурийлар даврида Хиндистонда (Мўғул», «Агра» ва б.гиламлар), Миср Сурия, Кавказ ортида тараққий этди.

XVIII-XIX асрларда Гилам Закавказье ва Ўрта Осиёда саройларда эмас, балки халқ орасида кенг тарқалди. Асосий марказлари Казах, Ганжа, Ширвон, Боку, Закавказье гиламлари ранг-баранг мужассамоти, ижро усули ва бадиий жиҳати билан, Туркманистон гиламлари («Салор», «Сариқ», «Така ёвмут», «Башир» ва бошқалар.) қизил рангининг теранлиги, ҳандасавий гуллари ва ўта пишиқлиги билан ажралиб туради.

XVII-XVIII асрлардан патли гиламлар (1624- йилда Парижда асос солинган Савонери мануфактурасида ишлаб чиқиладиган бошланган, кейинроқ Англия ва Испанияда ҳам патли гиламлар тайёрлаш йўлга қўйилган. 19 асрдан гиламлар фабрикаларда ишлаб чиқариладиган бошлагач, унинг сифати кескин пасайиб кетди. 20-аср ўрталаридан бадиий хунармандликда Гиламни қайта тиклашга уринишлар самарали бўлди. Польша, Болгария, Руминия, Югославия патли гиламлари билан бир қаторда патсиз гиламлар ҳам тайёрлана бошлади.

Гилам Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон ҳудудида жуда қадимдан ривожланган (Хоразмдаги археологик қазилар

пайтида мил ав 1-минг йилликка мансуб гилам намунаси топилган). Гиламчилик билан асосан аёллар шуғулланган, нақш (гул)лар (ислимий, гириҳ,хайвон шакллари, турли нарсалар тасвири, уруғ тамғаси ва бошқалар)ни эса хотирада сақлашган.Безакларида йўлбарс ва туя излари, олма гули, узум, занги, туя бўйни қалқон, ўсимликлар ифодаланган, айниқса ҳайвон шохи тасвири кенг тарқалган. Мужассамотининг берклиги, марказий майдоннинг нақшли ҳошия билан ўралганлиги (йўл-йўл нақшлар бундан мустасно) Ўрта Осиё гиламлари учун хос бўлган, нақшининг аниқлиги, гўзал бўлиши ва рангларининг уйғунлиги уларнинг бадий қимматини оширган.асосий ранг қизил ранг ва унинг 2-3 туси бўлиб, кўк, қора, оқ, сариқ ранглар иккинчи даражали бўлган. Рангларнинг моҳирона ишлатилиши билан ифодали тасвир ҳосил қилинган. Бир нақш қисмларини турли кўринишларда бўйялиши билан ранг-барангликка ва жизибадорликка эришилган.

Андижон, Самарқанд гиламлари, қорақалпоқлар тўқиган ўтов жихозлари бадий жиҳатдан моҳирона ишланган.Андижон гиламларининг пати қисқа, қалин ва майин бўлган.Самарқанднинг рангдор узун патли жулхирс («айик тери») гилами ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Гилам марказларида кавказ гиламлари анъанавий туркман гиламлари хилидаги бирмунча соддалаштирилган гиламлар ишлаб чиқарилди, фақат Самарқанд гилами (жулхирс) ўзининг анъанавий услубини рангдорлигини сақлаб

қолди. 40-50 йилларда Гилам марказлари (Самарқанд, Китоб, 1946; Хива, Андижон, Термиз, 1947; Шахрисабз 1949; Хўжайли, 1954) ташкил этилди. Маҳаллий усталар шогирдлар тайёрлади, қадимий анъанавий нақшлар тикланди. Рассом ва хунарманд усталар ҳамкорлиги натижасида муваффақиятларга эришилди. Амалий ва маҳобатли санъат анъаналаридан унумли фойдаланиб, дастлабки янги нусха Хоразм гилами ва унга хос бўлган феруза ранг замин яратилди.

60-йилларнинг охирида майда артеллар бирлаштирилиб янги Гилам корхоналари ташкил этилди, моҳир усталар шу корхоналарда меҳнат қила бошлади. Олмалиқ, Самарқанд, Хива Фориш, Шофиркон ва бошқа жойлардаги фабрикаларда анъанавий нақш мужассамоти ва бадиий жиҳатдан ижодий бойитилган нафис гиламлар тайёрланмоқда.

Ҳозирда гилам Фарғона водийсида Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари Қорақалпоғистонда ривожланган. Шунингдек Самарқанд, Ургут, Қўқон ва Хоразм ҳам гилам марказларидир. Анъанавий гилам хунармандчилик тури (уйда тўқиладиган) сифатида ривожланмоқда. Самарқанд ва Бухоронинг ипак гиламлари ҳам кенг тарқалмоқда. Анъанавий гилам ривожига «Усто» бирлашмаси ва «Хунарманд» ассоциацияси муносиб ҳисса қўшмоқда.

Гиламчилик саноати

Табиий (ҳайвон жуни, ўсимлик толаси) ва сунъий толадан турли хилдаги гиламлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи. Гиламчилик бадиий хунармандлик соҳаси сифатида турли

давлатларда ўзига хос шаклда ривожланиб келган (қадимий гиламчилик). Саноат тармоғи сифатида 20- асрда шаклланди. Бу даврга келиб гилам тўқийдиган махсус артеллар пайдо бўлди, уни қўлда тўқишдан аста-секин машинада тўқишга ўтила борди.

Ўзбекистонда 1978-йилда Хива гилам тўқиш комбинати ташкил этилиши билан гилам саноати маҳаллий саноатнинг муҳим тармоғига айланди. Кейинчалик гилам тўқийдиган корхоналар сонининг ортиб бориши натижасида гилам саноати алоҳида саноат тармоғи сифатида ажралиб чиқди.



Хива гиламчилик корхонасининг гилам тўқиш цехи

Гилам тўқиш айниқса маҳаллий саноатдаги энг ривожланган тармоқлардан бири ҳисобланади. Бухоро Шахрисабз, Ургут Нурота, Булунғур ва бошқа шаҳарлардаги корхоналарда қўлда тўқилган гилам ва палосларда маҳаллий услуб ва бадиий усуллар сақланиб келмоқда. Ўзбекистон

мустақилликни қўлга киритгач, халқаро алоқаларнинг мустахкамланиб бориши билан гилам саноат корхоналарига чет мамлакатлар (Англия, Польша, Туркия, Германия ва бошқа йирик фирмаларининг замонавий технологиялари асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди, шунингдек қўшма корхоналар ташкил этилди. (масалан, «Хива гилами» акциядорлик жамияти).

Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортга чиқарилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. С.Булатов «Ўзбек халқ Амалий безак санъати» Тошкент «Меҳнат» 1991
2. П.А.Гончаров Золотошвейное искусство Бухары. Изд. лит и искусства им. Г. Гуляма. 1986
3. П.Ш.Зохидов Меъмор санъати. Тошкент. Г. Гулом номли адабиёт ва санъат нашриёти. 1978
4. М.Мирзаахмедов Материалларга бадиий ишлов бериш. Тошкент «Укитувчи». 1991
5. А.И.Сидоренко, А.Р.Артыков, Р.Р.Ражабов Золотое шитьё Бухары. Т. 1981
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 3-том. Тошкент 2002

Мундарижа

1.Гидам тўқиш санъати	3
2.Гидамчилиқ	12
3.Гидамчилиқ саноати	16
4.Фойдаланилган адабиётлар.	18

